

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Дарвишова Гулчехра Кенжабаевна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори , PhD

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ эпик асарларини таржима қилишдаги лисоний ва услубий қулайликлар ва ноқулайликлар, эртакларнинг инглиз тилига бевосита ва билвосита таржималарида миллийликнинг акс эттирилиши хусусида фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз долзарблиги билан муҳим эканлиги ҳақида баён қилинади.

Калим сўзлар : лисоний, бевосита, билвосита, сюжет, эпик, сюжет, мотив,

бадиият, лисоний-услубий, лингвистик

Шубҳасиз, ўзбек халқ эпик асарларини таржима қилишдаги лисоний ва услубий қулайликлар ва ноқулайликлар, эртакларнинг инглиз тилига бевосита ва билвосита таржималарида миллийликнинг акс эттирилиши хусусида фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган.

Ўзбек фольклоридан ҳозиргача қилинган таржималар турли даврларда хилма-хил талаб ва эҳтиёжлар асосида амалга оширилган. Шу нарса аникландики, ўзбек фольклори намуналарининг ҳозиргача амалга оширилган инглизча таржималарининг нисбатан кўпчилиги бевосита бадиий мақсад билан эмас, илмий ёки методик ниятда адо этилган. Шунинг учун бу таржималарнинг бадиияти масаласига жиддий талаб билан ёндашиш тўғри бўлмайди. Ҳатто, буни амалга оширилган таржималар ҳам яққол тасдиқлайди.

Таржима икки тилнинг алоқа воситаси эмас, балки бир-бирини лисоний-услубий жиҳатдан бойитадиган омил ҳамдир. У бир тилга иккинчи бир тилдан янги сўзлар кириб келишига ҳам восита бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари бир-биридан ўзаро узоқ бўлган тиллар ҳисобланади. Шунинг учун бу тилларда яратилган асарларни бир-бирига таржима қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Таржима қилиш қийинчилиги фақат бу тилларнинг лингвистик тузилишидаги тафовутларга эмас, балки сўзларнинг маъно томонидан фарқланишига хам боғлиқ бўлади.

Шубҳасиз, ҳалқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири латифадир. Латифа ҳажман кичик, мазмуни лўнда ифодаловчи бир ёки икки эпизоддан ташкил топган бўлиб, замирада ўткир ҳажв ёхуд енгил юмор ётади. Танқид ёки юмор эса сўз ўйини, турли қочиримлар воситасида юзага келади ва ошкора этувчи хушчақчақ кулгу яратади.

Маълумки, латифаларда нутқнинг диалогик шакли кенг қўлланилади. Тузилишининг соддалиги ва сюжет ечимининг фавқулодда юз бериши эса латифа жанри учун доимий барқарор хусусиятдир.

Ўзбек ҳалқ латифалари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб хорижий тилларга таржима қилишни бошлади. Латифалар кўп ўгирилган ҳалқ оғзаки ижоди намуналарилан саналиб, уларнинг маълум бир қисми инглиз тилига таржима қилинган ва, энг муҳими, чуқур ўрганилган.

Латифаларнинг илк таржималари таҳлилиниң асоси қилиб америалий тадқиқотчи ва таржимон Идрис Шоҳ (*Idries Shah*, 1924–1996) нинг Лондонда 1974 йилда чоп этилган “The Pleasantries of the Incredible Mulla Nasrudin” китоби олинган. Шу билан бирга Мерилин Петерсеннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўпламига киритилган Насриддин афанди ҳақидаги қатор латифалар таржимасини ҳам таҳлил қилинди.

Маълумки, Насриддин Афанди образи туркий ҳалқларнинг барчасида мавжуд бўлиб, у ҳалқ образи ҳисобланади. Жумладан, турклар, озарбайжонлар, араблар Насриддин Афандини ўзларининг Ҳалқ оғзаки ижоди қаҳрамони деб ҳисоблайдилар. Ижодкор ҳалқ ўз қаҳрамонини яратишда узоқ даврлар оша, турли шароитларда мавжуд бўлган умуминсоний хусусиятларни жамлаб Насриддин Афанди образида гавдалантирган. Таржимада миллий хос

сўзларнинг бирилиши миллат тарихи, маданияти ва миллийлигинининг жаҳон адабиёти саҳифаларида муҳралинишида муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бутунни билиш учун уни ҳосил қилувчи таркибий қисмларни билиш керак бўлади. Шу маънода эпик асарларнинг сюжет асосини ташкил этувчи мотивларни билмасдан уларнинг моҳиятини англаш мушкул. Демак, дастлаб “мотив ўзи нима”, деган саволга жавоб бериш лозим.

“Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да мотив сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири, дейилган. Сюжет асар мазмунини ташкил этган воқеалар тизими бўлса, мотив шу воқеликни юзага келтирувчи асосий унсур ҳисобланади. Яъни эпик асар структурасини мотивларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Эпик асарларнинг сюжет ва мотиви ҳақида мутахассис олимларнинг қарашлари турлича. Бироқ кўпчилик олимлар рус олими А.Н.Веселовскийнинг бу борадаги фикрларига асос сифатида таянишади. Мазкур олим мотивларнинг сюжетни юзага келтирувчи энг асосий бўғин эканини таъкидлаб, “Мотивлар бирлашиб, сюжет ҳалқасини юзага келтиради”, – дейди. У мотивларни сюжетнинг энг кичик бир бўлинмас бўлаги сифатида таҳлил этади.

Сюжетнинг юзага келиши мотив билан чамбарчас боғлиқ экан, мотив бирламчи эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Энг муҳими эса ҳар бир мотивнинг сюжет ҳалқасида қандай ўрин тутишини, қандай мазмун ва моҳият кашф этишини аниқлаш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбек халқ эртак ва достонлари таҳлилига бағишлиланган фундаментал адқиқотлар мавжуд. Булар орасида Ҳ.Зарифов, М.Сайдов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Х.Эгамов, Ф.Жалолов, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Эпик асарларнинг сюжети, версия ва вариантлари, тарихий асослари ва бадиияти борасида бу олимларимизнинг изланишлари назарий манба бўлиб хизмат қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, биргина Н.Дўстхўжаеванинг ўзбек эртаклари таҳлилига бағишлиланган илмий ишини

истисно қилганда, эпик асарлар структураси бизда ҳалигача етарлича ўрганилган эмас.

Хар қандай эпик ижод, биринчи навбатда, эртак ва достонлар ҳам ўз қурилмасига эга. Мотив эса ана шу қурилмада асосий ўрин тутади. Шундай экан, фольклор асарлари таҳлили мотивлар таҳлили орқали амалга ошмоғи керак. Эпик асарлардаги мотивларни аниқлаш, ҳар бир мотивнинг бошқа мотивлар билан боғлиқ жиҳатларини, ички ҳаракат ва хусусиятларини, бадиий-эстетик вазифаларини таҳлил этиш фольклоршуносликдаги муҳим масалалардан биридир.

Маълумки, эпик асар сюжети албатта бирор бадиий макон ва замонда кечар экан, бу ҳаракат, шубҳасиз, мотивлар ҳаракати орқали амалга оширилади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу мотивлар, хусусан, туш мотивининг эпик асардаги ўрни, бошқа мотивлар билан муносабати, воқеликни юзага келтиришдаги тадрижий ривожини таҳлил этишдан иборат. Зоро, туш ва туш мотиви эпик асарларда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек фольклорида, хусусан, халқ эртак ва достонларида тушнинг муайян асар таркибида тутган ўрни, бадиий-эстетик вазифаси ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун, аввало, туш мотиви мавжуд бўлган асарларни жамлаб олиб, уларни ўзаро муқояса қилиб, маълум етакчи хоссаларига кўра таснифлаб, сўнгра турли йўналишлар бўйича тадқиқ этиш талаб этилади. Биз ушбу мақсадда нашр этилган мавжуд эртак ва достонлардаги туш иштирок этган асарларни ажратиб олиб, уларни муайян жанр доирасида саралаб чиқдик. Оммавий нашр этилган 160 эртакдан 19 тасида, 60 та достоннинг 16 тасида бевосита туш мотиви мавжудлиги аниқланди. Айни ҳолат эртак ва достонларда туш мотивининг келиши хусусий ҳодиса бўлмай, анъанавий қўриниш олганлигини ва маҳсус тадқиқ қилиш етарлича материал бера олишини намоён этмоқда.

Эртак ва достонлар таркибидаги тушнинг ҳар бир асар композицияси, сюжет қурилмасидаги ўрни, бадиий вазифаси ва ушбу мотивнинг туб асослари, ундаги тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ

этиш умумфольклордаги туш ҳодисасининг табиати, бадий-эстетик қимматини ёритиш имконини беради. Шундай экан, дастлаб туш мотиви иштирок этган эртак ва достонларни алоҳида-алоҳида ҳар бир жанр қамровида қараб чиқайлик.

Эртак сюжетида туш мотивининг тутган ўрни, бадий юки ва умуман, эртаклардаги тушлар ўзаро қиёсланиб таҳлил қилинганда, биринчи галда, қўйидаги жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Бу ўринда туш мотивининг сюжет тизимидағи вазифаси, яъни сюжетдаги бошқа ҳалқаларнинг туш мотивига қай даражада боғланганлиги, аксинча, туш мотивининг, ўз навбатида, бу мотивларга қанчалик алоқадорлиги масаласига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Сюжет ўзагини ташкил этувчи намуналар хусусида фикр юритганимизда, эртаклар нисбатан кам сонли бўлса-да, уларда туш воқеа асосини ташкил этувчи таянч – ўзак мотив вазифасини бажариши билан ажралиб туради. «Мусоғирбек» (варианти «Сотилган туш»), «Хосиятли туш», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал», «Кирон ака», «Маликаи Бирмисқол» каби эртакларни айни гурухга киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат ўзбек, балки, умуман, дунё ҳалқлари эртакларида маълум миқдордаги мотивлар ва саноқли сюжет типлари мавжуд бўлиб, барча эртаклар ана шу мотивларнинг бирор бир сюжет типи доирасида у ёки бу даражада комбинацион янгиланиши натижасида пайдо бўлади. Ушбу сюжет тизилмасида қўпинча бирор бир мотив етакчи ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Shahnoza, A. (2022). PROFILAKTIKA INSPEKTOR TALABALARIDA MUSTAQIL TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH.

Aripova, S. (2022). PROFILAKTIKA INSPEKTOR TALABALARIDA MUSTAQIL TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 20), 587-591.

Aripova, S. (2020). THE PROBLEMS OF APPLYING DIFFERENT METHODS TO THE INDEPENDENT LEARNING PROCESS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 8(12).

Abduazizovna, P. Z. (2022). TALIM TIZIMIDA «ASSESSMENT» HAMDA «EVALUATION» TUSHUNCHALARI VA ULARNING FARQI (The concepts of "assessment" and "evaluation" in the education system and their differences).

Abduazizovna, P. Z. (2025). THEORETICAL-METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF EXERCISES IN THE DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE OF LEARNERS. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 72(1), 273-282.

Abduazizovna, P. Z. (2025). PRINCIPLES OF EFFECTIVE FORMATIVE ASSESSMENT IN EFL/ESL. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 71(1), 202-207.

Abduazizovna, P. Z., & Lazokat, I. (2025). ASSESSMENT FOR LEARNING AND ITS BENEFITS. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 73(2), 337-343.

Abduazizovna, P. Z. (2025, March). DIDACTIC FUNDAMENTALS OF IMPROVING LEXICAL COMPETENCE (B2 LEVEL). In *International Educators Conference* (pp. 135-142).

Shirinova, N. (2024). DEVELOPING COGNITIVE ACTIVITY OF CADETS IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH. *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI BEKE*, (54-4).

Ширинова, Н., & Ширинова, Н. (2022). ПОВЫШЕНИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ КУРСАНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 744-746.

Shirinova, N. D., & Shirinova, N. D. (2023). LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 51-56.

Shirinova, N. D., & Davlatova, M. K. MORPHOLOGICAL WAY OF DIFFERENTIATION OF SUBSTANCE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN THE LANGUAGE SYSTEM. *ILMIY XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТИКИ* Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабура, (1), 86-89.

Shirinova, N. (2018). ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS. *Irrigatsiya va Melioratsiya*, (2), 61-64.

Nilufar, S., Nargiza, S., & Nosir, R. (2023). Study of the gradual relations in differentiation of substance and attributive meanings in the english and uzbek languages.

Tulkin, S., Nargiza, S., & Nilufar, S. (2022). ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES*, 3(02), 42-48.

Djabarovna, S. N. (2021). Synonymous pairs of lexical units. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 910-913.

Ширинова, Н. (2010). Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан номз.... дисс.

Shirinova, N. D. (2006). The expression of the relation of substance and attribute in the language system. *The Problems of Philology and Methodics*.–Bukhara, 98-101.

Darvishova, G. K. S. B. I., & MAVQEI, A. I. ORIENSS. 2023. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-ijodida-ayolning-ijtimoiymavqei> (дата обращения: 10.10. 2023).

Дарвишова, Г. К. (2022). По Педагогическом Мастерстве Учителя Иностранного Языка В Процессе Урока. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3, 122-125.

Kenjabayevna, D. G. (2025, March). THE IMPORTANCE OF GRAMMAR GAMES IN TEACHING ENGLISH. In *International Educators Conference* (pp. 107-115).

Darvishova, G. (2024). ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ ИНГЛИЗ АДАБИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. *Наука и инновация*, 2(23), 91-96.

Kenjabayevna, D. G. (2025, March). CLASSROOM BEHAVIOR IS A MANAGEMENT ISSUE. In *International Conference on Modern Science and Scientific Studies* (pp. 220-225).

Abduazizovna, P. Z., & Lazokat, I. (2025). ASSESSMENT FOR LEARNING WITH ARTIFICIAL INTELLIGENCE. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 73(2), 330-336.

Иканова, Л. (2025, March). ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРАВ ОСУЖДЕННЫХ И ЛИШЕННЫХ СВОБОДЫ ЛИЦ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ИХ ВНЕДРЕНИЕ В ПРАКТИКУ. In *International Educators Conference* (pp. 116-120).

Ikanova, L. S. Q. (2024). SUDLANGAN SHAXSLAR VA MAHKUMLARNING XULQ ATVORI VA QAYTA JINOYAT SODIR ETISHINI BARTARAF QILISHDA TA'LIMNING TA'SIRI (AQSH TAJRIBASI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(1), 433-439.

Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. *Вестник педагогики: наука и практика*, (48), 68-70.

Иканова, Л. (2024). ОБРАЗОВАНИЕ В ТЮРЬМЕ: ФУНДАМЕНТАЛЬНОЕ ПРАВО И ВАЖНЫЙ ИНСТРУМЕНТ. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 3, No. 5, pp. 269-275).

Sayyora, I. (2025, April). TEACHING BASIC CEFR AND IELTS SKILLS TO CADETS IN A MILITARY SETTING. In *International Educators Conference* (pp. 199-204).

Sayyora, I. (2025, April). CASE STUDIES ON TEACHING ENGLISH TO CADETS: METHODS FOR CEFR AND IELTS IN A MILITARY SETTING. In *International Educators Conference* (pp. 241-246).

Sayyora, I. (2025). INTEGRATING INNOVATIVE TECHNOLOGIES TO ENHANCE CADETS' LINGUISTIC COMPETENCE THROUGH BLENDED LEARNING IN UZBEKISTAN'S CEFR AND IELTS PREPARATION. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 73(2), 325-329.

Sayyora, I. (2025). INTEGRATING INNOVATIVE TECHNOLOGIES INTO ENGLISH LANGUAGE LEARNING AND CERTIFICATE OBTAINING FOR CADETS IN UZBEKISTAN. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 73(2), 320-324.